

ҚИШЛОҚДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, КИЧИК КОРХОНАЛАР ҚУРИШ, СЕРВИС ХИЗМАТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ - БУГУНГИ КУННИНГ ЭНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ

ИНСОФДАН КЕЛГАН БАРАКА

«ЎЗБЕКИСТОН» ширкат-жамоа хўжалиги раиси Абжас Қанаев: «Фермернинг зўри Овжазда», дегач, овжазликларни бирма-бир кўз олдидан ўтказдим. Бу ерикларнинг ҳаммасини, ҳатто ёш болаларигача танийман. Лекин яқин орада «Овжаздан фермер чиқибди», деган гапни эшитмаганим. Ким бўлди экан бу зўр фермер?»

КАТТА тепаликнинг ёнба-рида иккита трактор беда ўрмоқда, бошқа бир агрегат уни тиркачларга ортаётди. Мен кўпдан бери билмаган Тошбой Нишонов ҳам шу ерда экан. Кўп вақтлар мобайнида у хўжаликнинг кўйичлик отарларида бригада бошлиғи бўлган. Самарқанд чорвачилик институтини тамомлаган, ҳаракатчан йигит.

— Мана шу йигит билан гаплашсинг, — деди раис. — Икки йилдан бери деҳқон-фермер бўлиб ишлаяпти. Яқинда кўйичликни топширди. Уни ҳам қўйвер, десади, унамади. Лекин ишлари ёмон эмас.

— Фермерлик муборак, Тошбой ука, — дедим ҳазилом-за, — беҳабар қолган эканмиз-да.

— Биласиз-ку, шов-шувни ёқтирмайман. Фермерликни асосий ишга қўшиб олиб бораётган эдим. Бу йил ишимиз анча юришиб кетди. Кўйичликни топширмасам бўлмай қолди, укаларим ҳам, отам ҳам шунини истади. Ҳозир ишимиз ёмон эмас, ҳудоба шукур.

— Қандай бошлангиз бу ишларни? Ҳаммаси бирдан бўлмаганми?

— Ўтган йили баҳорда бўлса керак, телевизорда Президентимиз фермер ва деҳқон хўжаликлари тўғрисида кўниб гапирдилар. Ёнида ўтирган отам, биласиз, у киши умр бўйи чўпон бўлиб ўтганлар, менга юзланди: «Тошбой, сизлар ҳам фермер бўласаларингиз», — деб қолдилар. «Қандай қилиб?» — дедим. «Жуда осон экан, — деди отам. — Ҳозирдаги 60 гектар бездорни сотиб оласизлар, хонадонимиздан юзга яқин қўй-эчки, 30 бошдан ортиқ қорамол чиқади. Майли, мен ҳам озгина қарашиб юбораман». Бу фикр менга тинчлик бермади тун бўйи. Эрталаб укаларим Ҳакимали, Қаршибой, ўғилларим Ботир, ва Абдулҳақларнинг чакирлими. Улар жам бўлгач, отам кечқурунги гапни такрорла-

дилар. Ҳамма рози бўлди. Эртасига хўжалик раисига учраб, бездорни сотиб олишга келишдик. Шундай қилиб, тегишли қўғозларни расмийлаштирдик. Бултурнинг ўзидаёқ бездорнинг пулидан қутулганмиз.

Тошбойнинг отаси ҳам, укалари билан ҳам бир сўзлик, ҳар доим айтганининг устидан чиқшади. Ўтган йилнинг кўкмадиёқ бездорга сифатли ишлов бердилар, ҳосилни пешма-пеш ўриб, доридан ҳолда сугориб бордилар. Натижада 60 гектар майдондаги беда беш марта ўрилиб, жами 1700 центнердан зиёд беда пичани галлаб олинди. Ана шу гарам-гарам хашақлар, қирга экилган галла дони молларнинг жонига ора кирди. Ўтган йилнинг ўзида ҳар бош сизгирдан 2100 литрдан сўт соғиб олинди, Олмалик шахридаги шахсий дўконда сотилди. Фақат сўтнинг ўзидан йил давомида 87 минг сўм соф даромад олинди. Топширилган 3,5 тонна гўшт ҳам фермер хўжалигига каттагина даромад келтирди. Ана шу даромадлар ҳисобига айтиш қийин бўлганда 60 бош қорамолга мўлжалланган ферма, 200 бош қўй ва эчки сизгирдан кўра ва кўтонлар қуришди.

Т. Нишоновнинг фермер хўжалиги тезда оғизга тушди. Улар етиштирган маҳсулотнинг арзонлиги одамларнинг бу жамоага меҳрини орттирди. Атар ёнидаги дўконда сўтининг бир литри 5 сўмдан бўлса, Тошбой уни уч ярим сўмдан сотди. Ҳозир эса унинг дўконидида қанораларда осилган семиз гўштлар ҳам арзон: мол гўштнинг килоси 30, қўй гўштнинг килоси 38-40 сўмдан сотилмоқда. Бугун фермер хўжалигида 50 бош қорамол, шу жумладан, 15 бошдан кўпроқ соғин сизгир, 100 бошдан кўпроқ совилжар бор. Қўкмада бошма-бош соғлом қўзилар олинди.

— Ҳозир оғилхоналаримизда ҳар бири 320-335 кило тош

босадиган ўндан ортиқ ёш новосларимиз бор, — дейди фермер. — Яқинда уларни хўжаликка сотамиз. Умуман, бу йил 6 тоннадан кўпроқ гўшт (тирик вазнда) ва 10 тонна атрофида сўт сотамиз. Булардан ташқари, тери, жун ҳам топшириш зарур.

Маълум бўлишича, улар давлатдан бир тийин ҳам қарз олишмабди.

— Бунга эҳтиёж бўлмади, — дейди Тошбой. — Биз тоғда яшаймиз. Тоғликларнинг озми кўпми моли бўлади. Моли бўлмаса, тоғда нега яшайди одам? Тоғ бағридаги томорқаларимизни қўшиб, галла экилган жой қилдик. Аъзоларимиздан бири мол дўхтири, яхши мутахассис. Қурилган фойда ҳам уртада. Ўтган йили ҳаммаси бўлиб, харажатлардан ташқари, 121 минг 459 сўм соф даромад олдик. Бировдан қарзимиз йўқ. Фақат трактор олишимиз керак. Яқинда Тошкентдаги катта бир корхона билан шартнома тузамиз. Биз уларга бир неча йил давомида оз-оздан гўшт ва сўт берамиз, улар эса шу йил кузгача бизга битта тиркачки трактор ва плуглар беришади. Ана унда қорамолларнинг сони юз бошдан, шу жумладан, соғин сизгирлар 60 бошдан, қўй ва эчкилар эса 250 бошдан ошади. Буларнинг парваришидан тортиб то ем-хашак жамғаришигача оила аъзоларимиз зиммасида. Экинзорларни ҳам қўйайтирамиз.

Мен фермернинг янги «Волга»га ўтириб, «Молларингиз кўп, аммо маҳсулотларингиз анча арзон сотиларкан бозорга нисбатан, қарар қўрмайсизларми?» деб сўрадим.

— Инсоф сари барака, ака, — деди Тошбой. — Одамлар сизгари беш қўни оғизга тиқибни ёмон кўраман. Бу йилги даромад ҳисобига 46-мактаб учун иккита янги синфхона қуриб, берамиз. 34-мактаб учун эса янги бино барпо этамиз.

Инсоф билан топилган даромаднинг бир қисми эл-юрт корига сарфланган экан, унга барака кириб боравериши шубҳасиз!

Мўмин ҚАЮМ, «Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.



Бағдод туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигида чорвачилик зарар келтирмаган тармоққа айланиб қолган. Шу боис йил бошида сўт-товар фермаси ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиб унга «Ислохот» номи берилди. Ўтган қисқа вақт даврида меҳнатни ташкил этишнинг янгида усули ўзиниче маънавий жиҳатларини амалда намойиш этди. Чўпончи сўт-товар фермасида сўт ва гўшт

маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпайиб, чорвадорларнинг меҳнатидан манфаатдорларга ортди. СУРАТДА: қарамолларидан сизгирлардан кунига 10-12 литрдан сарқаймоқ сўт соғиб олиб ҳаммасиларига ўрнак бўлаётган пешқадим соғувчилар Сайдинисо Қалбарова ва Маъмура Мамажоновалар.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

ИККИ ЯРИМ МИНГ ИШЧИ ЎРНИ

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига жуда катта эътибор берилаётган. Бу борада вилоятда Иштихон тумани алоҳида ўрин тутади. Ҳозир ушбу туманда бир юз саксон учта кичик корхона ва 89 та фирма

фаолият кўрсатаётганлиги ҳам бунга яққол далиллар. Фақат жорий йилнинг ўтган даври ичида улар қарийб тўрт миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришдилар. Бунда тумандаги қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Мармар», «Пор-

лоқ», «Наққош» кичик корхоналари муваффақиятти салмоқли бўлаётди. Муҳими, ҳозирги пайтда Иштихонда кичик ва хусусий корхоналарда икки ярим минг киши иш билан таъминланди. М. МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИГУЛИК...

Наваҳор тумани маркази Бешарот кўрғонидида қурилиш тугалланмаган бинони доришунос Эргаш Нормуродов кимодди савдосида сотиб олди. Эргаш ака тадбиркорликни илгарироқ бошлаган «Доришунос» фирмасига эгалик қиларди. Демакки, маблаг ҳам етарли эди. Тез-теза ташландиқ бинони элга келтириб, замонавий дорихонага айлантирди. Дорихонада фитобар ҳам мавжуд бўлиб ундаги доривор гиёҳлар фирманинг ёрдамчи хўжаликларида етиштирилмоқда. Ёрдамчи хўжалик далаларида, шунингдек тўя ва йилқи боқилиб, уларнинг соти-

дамиз — дейди Эргаш ака, — Нурота суви зилол ва ши-фобахш. Шу сув асосида стерил дори-дармон воситалари тайёрлаб Томди, Қони-мех, Учқулук, Наваҳор туманлари касалхоналарини таъминламоқдамиз. Фирма-миз жорий йилнинг биринчи чорегини 530 минг соф фойда билан муваффақиятли яқунлади. Келгусида ҳам шундай даромадини кўзлаб турибмиш. Албатта, бу даромад орқасида неча-неча кишилар соғлиги учун қилган оғир меҳнатлар ётади.

Темур ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Иқтисодийёт қирралари РАҲБАРГА КҮП НАРСА БОҒЛИК

ВОБКЕНТ туманидаги Оқунбоев номи жамоа хўжалигида кейинги йилларда режалар неадиб сурункасига барбод бўлаверди. Бу ҳол 1200 аъзонинг рўзғорига ҳам таъсир қилмай қолмади, албатта. Ниҳоят, туман ҳокимлиги хўжалик раҳбарларини ўзгартиришга мажбур бўлди. Кўпчиликни талаби билан Шухрат Иброҳимов раис этиб сайланди.

Янги раҳбар ёш бўлса-да, ишининг қизини билар экан. Ишни тадбиркорликни ривожлантиришдан бошлади. Тез орада бир эмас, иккита буханка нон чиқарадиган, жундан гилам тўқиш, қизил тўқиш, қамишдан пол ва шифтбоп материаллар тайёрлайдиган цех, шоли оқлаш ва пахта заводи чиқиндиларидан қалава ишлаб чиқарадиган цехлар ишга туширилди. Уч йилдан буён қаровсиз ётган гишт заводи ҳам маҳсулот бера бошлади. Савдони чуқур тушуналган раис кўлоччилик цехини ҳам ташкил этди. Айни кунда у Украина билан ҳамкорликда шакар ишлаб чиқарадиган кичик цех қуриш учун елиб-югурмоқда.

Хўжалик режаси бажаролмагани учун деҳқонлар уз вақтида моаш олишмас эди. Корхоналар ишга тушгач, уларга тўлиқ ойлик бериш имкониятлари ҳам юзга келди. Меҳнаткашларга арзон нархларда ёғ ва ун маҳсулотлари берила бошланди. Аҳвол бироз ўнганда, айни кунда хў-

жалик аъзолари ҳам мол-дид, ҳам ижтимоий жиҳатдан кўллаб қувватланмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, барча корхоналар ва цехлар учун хомашё хўжаликнинг ўзидан чиқади. Демокчимизки, четдаги шериклардан хомашё сўрашга ҳожат йўқ. Янги раис янгилик яратгани йўқ, у қилишни мумкин бўлган ишни амалга оширди, холос. Бу йил гўза ҳам ўтган йилгига нисбатан тез ривожланаётган. Бугдой ўрми эса туманда биринчи бўлиб шу хўжаликда бошланди. Сабзавот ва полиз экинларининг авжи ҳам баланд. — Таомнинг таъми қозонга тушган масалликка боғлиқ, — дейди раис. Ҳақ гап. Ҳўш масалликни топини, тайёрлаш кимнинг вазифаси? Бу шу ердаги раҳбарлар ва хўжалик аъзолари зиммасидаги юкдир. Ишга мўносибат ўзгаргандан буён хўжаликдаги аҳвол ўнганлиги сари юз тутмоқда. Маннон ОТАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ислохот одимлари

Яқин-яқингача биз паррандачиликни етти хазинанинг бири деб келардик. Тадбиркорлар омон бўлса хазиналар сонини истаганда кўпайтириш мумкин экан. Бўлмаса Ғаллаоролда бедана боқиб парҳез гўшт ва тухум етиштириш ҳақида ким ҳам ўйлабди дейсиз.

Бу гоё корхона раҳбари, қишлоқ хўжалик фаълари номзоли Лутфулла Раҳмоновдан чиқди. Фоянинг туғилишига эса бир йайри олдиёқ воқеа сабаб бўлганди.

Лутфулла ака Москвада, номзолик иши билан банд бўлган йилларда, Тимирязев номи қишлоқ хўжалик академиясида олма Пигарева Мария Дмитриеванинг беданачилик устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борганини, япон беданаси билан жайларисини «чатиштириб» «Фирьян» зотли маҳсулдор насли яратганидан хабардор эди. Умуман, Лутфулла ака беданачилик хусусида бизга маълум ва номаълум бўлган анчагина маълумотлар тўплаганди. Жумладан, Японияда бу соҳага жиддий эътибор билан қараларкан. Шу тўғрисида бедана гўшти ва тухуми етиштиришга мўлжалланган йилрик фермалар мавжуд бўлиб, бу бежирим жонзол маҳсулотлари фирма дўконларида доимо муҳайё тураркан.

Худди шу кунчиқар мамлакатда ҳатто ақлни пешлаш учун болалар боғчаларида кичкинтойларнинг ҳар бирига кунига иккитадан бедана тухуми бериларкан.

Лутфулла ака беданачиликка меҳри тушиб юрган кезлари, у яна бир ҳаммаси билан танишиб қолди. Унинг исми-шарифи Кайдаулов Владимир Григорьевич бўлиб, Олмаотада яшарди. Биз томонларга йўлнинг тушса ақотиб қолар, дея ҳар эҳти-моликка қарши уй манзилни ҳам қолдириб кетади. Тақ-

диган юз чандон зиёда шариит, имконият мавжуд-ку! Сизгир мезбон дўстини бедана гўшти ва тухумига обдон тўйдиргач, хайрашув онидан икки юз эликта тухум солинган қутича совға қилди.

Ана шу тухумлардан жўжа очириб, Ғаллаоролда беданачилик билан шугуллана бошлади. Паррандабоқар Тўйчи Ашуров қизи Ойдин билан бу ишга бош-қош бўлишди. Ҳозир тухум қўвучи

БЕДАНАНИНГ ТУХУМИ

ЁКИ ҒАЛЛАОРОЛ ПАРРАНДАЧИЛИК ИЖРА-ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИДА БЕДАНАЧИЛИКНИ САНОАТ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШГА КИРИШИЛГАНИ ҲАҚИДА

Лутфулла акани уйига олиб кетди. Лутфулла ака эрталаб уйғонаркан димоғига қандайдир унча ёқимли бўлмаган ҳид урилди.

— Ҳар бир уйда ўзига ҳос ҳид бўлади, — кўнглидан кечирди у. Бироқ, «балқон»га чиққанида хайратдан ёқа ушлаб қолди. Беҳисоб қафасларда бедана боқилаётган экан.

— Ажабланма, — деди Владимир, — анчандан бери шу иш билан шугулланаман, даромад манбаи экан, минини инкубатор ҳам қуриб олдим, жониворларнинг сони мингтага етди.

Лутфулла ака кўпдан бу ишга меҳри тушиб юрганидан дарҳол ҳаёла берилди. — Шошма-шошма бу-ку торғина бир балқонда шунча беданани ушлаб қўйиб, бутун бошли парранда фабрикасида шу ишни йўлга қўйиб бўлмасмикин? Ахир бу ерда-

уч килограмм ем берилди, икки юз донга ёки уч юз сўмлик даромад (тухум) олинади.

Ҳозирги кунда вилоят дўконларида Ғаллаорол ёрлиги билан «Шифобахш бедана тухуми» деб ёзилган ихчам қутичалар пайдо бўлди. Кутининг орқа томонида унинг хусусияти ифодаланган. Уқисангиз ошқозон-ичак, қон босими, асаб касаллиги, ревматизм, астма каби кўплаб касалликларга да-во эканини билиб оласиз.

Унинг шифобахш хосиятидан дарак топган Намангандаги «Меҳрибон» деҳқон хўжалиги, Қашқадардаги 2-паррандачилик хўжалиги жамоалари Ғаллаороллик ҳам-қасблари маслаҳати ва ёрдами билан беданачиликни йўлга қўйдилар.

Ғаллаоролдаги мазкур корхонада ўтган йили минг донга тухум, 500 донга бедана гўшт учун сотилган бўлса, бу йилнинг олти ойидаёқ ана шу миқдордаги кўрсаткичга эришилди. Бозор кўтаришига қараб; бир донга сўйилган бедана 25 сўмдан, бир донга тухум эса 1 — 1,5 сўмдан баҳоланган. Беданачилар келгусида Жиззах ва Тошкент шаҳарларида ўзларининг фирма дўконларини очиб ниятдилар.

Шундай тадбиркорларни кўрганда ўйлаб қоласан киши. Биз узоқ йиллар давомида камёб нарсани йўқ, деб уни сероб қилишга ҳаракат қилмай, уй-шууримизни тайёр нарсани тасаруф этишга бағишлаб, яъни, тан-қис ҳар бир нарсани анқонинг уруғига қиёслаб келдик. Аслида иланганга толе ёр, тадбиркорга анқонинг уруғи чиқор экани маълум бўлиб қолди.

Хайитбой НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



МУЗОКАРАЛАР ҚАЙТАДАН БОШЛАНДИ

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти миссиясининг Грознидаги биносида Россия Федерацияси билан Жоҳар Дудоев тарафдорлари ўртасида Чеченистондаги иқтисодий тиричилик йўли билан ҳал этиш борасидаги музокара-лар қайтадан бошланди.

Музокараларнинг асосий мавзуси Чеченистон Республикасининг сиёсий мақоми ҳақида бормоқда, дейилади шу ҳақдаги хабарда.

КОНСТИТУЦИЯ НОДЕМОКРАТИК ДЕБ БАҲОЛАНДИ

Қозғоғистон Конституциявий суди республикадаги янги Конституция лойиҳасини батафсил таҳлил этиб, у инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини бир қадар чеклайди, деган фикрга келди.

Унда ҳокимиятни тақсимлаш ҳамда Президент бошқаруви ҳақидаги моддаларда ноаниқликлар мавжуд. Бир сўз билан айтганда, сўз ушбу Конституция лойиҳасига қарай амалда бўлган Конституцияга нисбатан нодемократик, дебда берди.

ТУҒИЛИШ КАМАЙЯПТИ

1991 йилдан буён Россияда туғилиш камайиб бормоқда, дейилади Россия Федерацияси Меҳнат вазирлиги тарқатган маълумотда.

80-йиллардан бошлаб Россияда туғилишнинг кўпайгани кузатишган эди. 1987 йилда 2,5 миллион чақалоқ дунёга келди. Бироқ 1991 йилда келиб бу кўрсаткич 1,8 миллионга қисқарди. 1993 йилда эса 1,4 миллион бола дунёга келди. Шундай қилиб, Россия туғилиш камайиб бораётган мамлакатлар сафидан ўрин эгаллади. Булар — Бельгия, Болгария, Голландия, Жанубий Корея, Германия, Испания ва Италия давлатларидир.

ЙИЛПИГА 200 ТА

Чехиянинг «Шкода» концерни Вологдада троллейбус ишлаб чиқариш бўйича «Шкода» кўшма корхонасини ташкил қилди.

Қўшма корхона дастлабки троллейбусларни июль ойининг охирида ишлаб чиқаришни қўзғалмоқда. Бу ерда йилгига 200 га яқин троллейбус ишлаб чиқариш мўлжалланапти.

МАШҲУР ТЕННИСЧИ ДАРОМАДИНИ ЯШИРИБДИ

Германияда чиқадиган «Бильд» газетаси катта шов-шувга сабаб бўлган маълумот берди.

Унда Брюле шаҳри (Германиянинг Баден-Вюртемберг вилояти) прокуратураси ва солиқ полицияси машҳур теннисчи Штеффи Графининг шаҳар четидики уйини тинтувдан ўтказгани ҳақида ёзилган. Ушбу тадбир теннисчи ва унинг отаси Петер Графининг ўз даромадларини ҳукуматдан яширгани сабабли амалга оширилди.

АТРОФНИ УРАШМОҚЧИ

Франциянинг Тинч океанидаги Атолле Муруро ядровий синовлар майдонига маъмурияти ушбу ҳудуд атрофини сим тўсиқлар билан ўрашга қарор қилди.

Бу тадбир Франциянинг ядровий синовларини қайтадан бошлаш ҳақидаги қарорига норозилик билдираётган «Гринпис» халқаро экология ташкилоти фаолларининг синов майдонига киришга йўл қўймаслик мақсадида амалга оширилмоқда.



СУРАТДА: Берлин кўчаларидан лавҳа.

ЎГИРПАНГАНЛАР ОЗОД ЭТИЛДИ

Қашмир сепаратчилари ўғирлаб кетган икки инглиз, бир америкалик ва яна бир немис сайёҳи яқин орада озод этилди.

Жамму ва Қашмир вилоятларидан мусулмон гуруҳлари вакиллари сепаратчилар билан алоқа боғлаб, журналистларга шунини маълум қилди.

ҲУҚУҚ ҲИМОЯЧИСИ ҲИБСГА ОЛИНДИ

Америкалик инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Гарри 19 июль кунини Қозғоғистонда Хитойга ўтишга ҳаракат қилаётган бир пайтда Хитой ҳукумати томонидан ҳибсга олиingan эди.

Айни пайтда Хитой ҳукумати уни суд қилиш ниятида. Мабола АҚШ фуқаросига жосуслик мақсадида Хитойга ўтмоқчи бўлган, деб аиб қўйилса, уни умрбўй қамоқ жазоси ёки қатла ҳукми қутлади, дейилади шу ҳақдаги хабарда.

МУҲОЖИРЛАР ВА ПОЛИЦИЯ ТУҚНАШУВИ

Руандалик икки юздан зиёд муҳожирлар Италияда яшаётган муҳожирлар билан полициячиларни тезроқ расмийлаштиришни талаб этиб, Сеута шаҳри ҳокимияти биноси қаршисида йиғилдилар.

Шаҳар ҳокимияти уларни полиция ёрдамида ҳайдамоқчи бўлди. Натижада муҳожирлар билан полициячилар ўртасида туқнашув юз берди. Туқнашувда 10 нафарга яқин (улардан икки нафарни полициячи) киши жароҳат олди.

Фармон ва ижро

МОЛ АЙИРБОШЛАШНИНГ ҲАМ ҚОНУН-ҚОНДАСИ БОР

Маълумки, шу йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт-импорт операцияларини тартибга келтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони эълон қилинган эди. Ҳўш, Фармоннинг ижроси бўйича Сирдарё вилоятида нима ишлар қилинмоқда? Мухбиримиз вилоят прокуратурининг биринчи муовини, адлия катта маслаҳатчиси Рамазон ПУЛАТОВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Аввало шунга айтиш лозимки, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари зарурат сифатида ўз вақтида қабул қилинаётгани аҳамиятлидир. Жумладан, «Экспорт-импорт операцияларини тартибга келтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» Фармони ҳам бугунги куннинг талаби эди. Чунки халқимизнинг пешона тери эвазига етиштирилган маҳсулотларни четга арзон-таровга сотиб юбориш ва ўрнига керакисиз маҳсулотлар келтириш ҳолини қўйиб қўлади. Вилоят прокуратураси томонидан бундай қўнубузаришларга қарши бирмунча ишлар қилинган бўлса-да, Фармондан сўнг назорат янада кучайтирилди. Шу ўринда айтиш лозимки, содир этилаётган қўнубузаришларнинг аксарияти иқтисодий соҳага оид бўлиб, ҳали кўпчилик қўнубузаришнинг моҳиятини чуқур билмайди, боз устига мулкчиликка «давлатники» деган қараш барҳам топгани йўқ. Айналарни шундаки, ҳуқуқий билимсизлик фақат фуқароларгагина хос бўлмай, мансабдор шахслар, ҳатто қонун ҳимоячилари фаолиятида ҳам сезилиб қолади.

Таассуфки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг айрим ҳодимлари янги қонунларни жуда секинлик билан ўзлаштириб олмадилар. Шу боис фармоннинг ижросини, аввало, унинг моҳияти ва аҳамияти ҳусусидаги тушунириш ишларида бошладик. Бу ҳақда ақинда чўп этила бошлаган виллоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг «Кўзгу» газетасида мақола, ходимларга виллоят прокуратураси томонидан чиқарилаётган ойлик бюллетенда кўрсатмалар бердик. Қисқа вақт ичида ўнлаб ноқонуний маҳсулот айрибошлаш ҳолиларининг пайи қирқилди. Аввало, бундай жиноятларнинг аксарияти шартнома-ларнинг ўта юзаки ва саволсизларига тузилганлиги боисдир. Гап шундаки, кўп ҳолларда «хужжатлар» қуруқ қозғога айланиб, давлоғарнинг ҳақ-ҳуқуқини кафолатлашга ярамай қолади. Устига устак, бор товоним, кел товоним... деб осмонга кўз тикиб ўтирганлар маҳсулот жўнатувчи бошқа республикалар аллақачон чет давлатлар ҳисобла-нишини «нутушиб» олди-бер-

мади» деган баҳона асосида банклардаги қайд билан ниқобланган. Энди масала кўндалан кўйилмоқда: жўнатишган маҳсулот, албатта, орта зарур моллар бўлиб қайтиши лозим. Боз устига чиқарилаётган мол жаҳон бозори нарҳидан паст ва ўз навбатида келтириладиган маҳсулот қиммат бўлмаслиги лозим. Муҳими, четдан пахта толани ёки мева-чева ўрнига қандайдир сақич ва бошқа аҳамиятсиз моллар эмас, истеъмол бозорига катта эҳтиж сезилаётган нарсалар олиб келиниши қатъий талаб қилиб қўйилди.

Текширишимизда яна бир нуқсоннинг юзи очилди. Биргина Сирдарё шаҳридан жўнатишган маҳсулотларга тегишли 84 та декларациядан 9 таси қайд қилиш учун банкка юбо-рилан. Шу йилнинг биринчи чорагида Сирдарё-бетон маҳсулотлари, Бахт ва Малик пахта заводалари томонидан Сирдарё туманига четдан мол келтириш жараёнининг 11 тасидан банк бўлими «беҳабар» қолдирилган. «Агросано» банкнинг Пахтабод бўлимида эса экспорт-импорт операцияларини қайд қилиш ва ҳисоб-китобини юритиш ҳар ойда эмас, йилда, ҳар чоракка амалга оширилатганини аниқланди. Умуман, жойлардаги айрим мутасадди идоралар раҳбарларнинг ўз вазифаларига совуққонлик билан, лоқайдларча муносабати ҳам экспорт-импорт жараёни-ларидаги қўнубузаришларга йўл очаётганлиги маълум бўлди.

Янги Фармондан сўнг виллоят прокуратураси, солиқ бошқармаси, божхона хизмати, банк ва молчи идоралари ходимларидан иборат махсус гуруҳ тузилди. Виллоят ҳокими эса Президент Фармонининг ижросини таъминлаш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқди. Бу саъй-ҳаракатлардан мақсад шунки, виллоят деҳқонлари, ишчилари яратётган моддий бойлик асраб-авайлансин, тўласинча уларнинг турмуш фаровонлиги яхшиланшига ярасин. Ҳар бир экспорт-импорт операцияси қонуний тарзда, давлатга ва халққа фойдали бўлсин. Деҳқон ёки ишчи маҳсулотни ердан супуриб олаётгани йўқ. Ҳар мисқол пахта, ҳар дон маҳсулот замирида катта меҳнат ва заҳмат бор. Маҳсулотларни арзон гаровга керакисиз ашқол-дош-қоллар эвазига қўй қўлаб бериб юбориш эса Ватан ва халқ манфаатларига зид ҳаракатдир...

«Халқ сўзи» мухбири А. ШЕРНАЗАРОВ ёзиб олди.

Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги олдидан

Маълумки, соҳибқирон Амир Темури ўзининг бутун ҳаёти давомида ислом дини ва унинг ривожига катта эътибор берган, салтанатининг барча қонун-қондаларини унинг асосига қўрган. Шунинг учун ҳам ўша вақтдаги дин арбоблари Амир Темури эҳсон ва адолатсиз ҳукмдорлар ҳамда гуноҳга ботган мусулмонларни жазолаш учун юборилган Аллоҳнинг ердаги қуроли деб таърифлаганлар.

Амир Темури, дарҳақиқат саййидлар, шайхлар ва бошқа обрў-эътиборли кишиларни беҳис даражада улуғлаган, улардан айримларини ҳатто ўзининг пирини деб эълон қилган. Ана шундай зотлардан бири Шамсиддин Кулол дир. У киши, нафақат Амир Темури балки унинг отаси Тарағай Баҳодирнинг ҳам пирлари бўлган.

Қизғини шундаки, Темурининг исмининг ҳам шайх Шамсиддин Кулол қўйилган. Бу тўғрида соҳибқироннинг «Таржимаи ҳол» асарига шундай дейилади: «733 йили Аллоҳ менга сени ато қилди. Ақика вақтида сени шайх Шамсиддиннинг ҳузурига олиб бордим. Мен шайхнинг олдида кирганимда у Куръондан ушбу оятни ўқибди: «Аманул ман фи-с-сама ан йўҳида бикумаларда фоиза ҳийа тамуру» Куръоннинг бу оятида «Тамуру» сўзи булганлиги учун биз сенга Темури исминини бердик. Отам Тарағайдан бу хикоятни эшитиб, ундан қандай шароитда менга исм берилганини ва исмин Куръондан олинганлигини билганимдан сўнг Аллоҳга шукроналар айтиб, «Куръоннинг «Тарағай» сурасини ўқидим».

Шамсиддин Кулол Амир Темурига ҳаммаиша ўзининг доно маслаҳатлари билан ҳам маддад бериб турган.

Кези келганда, шунга ҳам айтиш жоизки, Шамсиддин Кулол Амир Темурининг буюк подшоҳ бўлишини ҳам баъшорат қилган. Бу тўғрида «Таржимаи ҳол»да шундай дейилади: «Бир кун Ҳазрат Амир Кулолнинг ҳулиди билан Шамсиддиннинг келиши, амирнинг уйдига обрўли одамлар орасида ўтирдим. Амир Кулол дарҳол менга нигоҳ таш-

лаб, ёнида ўтирганларга, гарчанд мен кўринишдан бечорачоқ ва нодонга ўхшасам ҳам, аслида жуда бадавлат эканимни айтиди. Амир бир муддат бошини эгиб бош қолди. Сўнг бошини кўтарди-да, олдидаги нон ва ҳолвалардан еттига нон би-



СОҲИБҚИРОН ҚҮЛ БЕРГАН ПИРЛАР

лан бир сиқим ҳолвани менга бериб деди: «Мана шу еттига чиганок узук совға қилган. Унинг етти қилимига, бутун дунёга ҳоким бўласан».

Энг қизғини, Шамсиддин Кулол машҳур Наҳшбандия тариқатининг асосчиси бўлиши Баҳодирнинг ҳам қандай балодан устундир, деганидир. Амир Темури бутун умри давомида ана шу қандай қатъий амал қилди, у киши бу сўзни ҳатто ўзларининг давлат муҳрларида ҳам ёздиртирдилар.

Абу Бакр Тойбодий 1389 йилнинг 28 январида вафот этган. Бундан ташқари, Амир Темурининг жанговар юришларида ҳаммаиша ёнма-ён юрадиган Саййид Барака деган пирлари ҳам бўлган. Соҳибқирон дастлаб 1370 йилда у киши билан учрашган ва ўзининг пирларидан бири, деб эълон қилган. Бу тўғрида Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темури тарихи» асарига тўла маълумот берилади: «Темури кўнчилири билан Тўхтамшиш Ирсидга жанг бошлаган. Уки аскар ўртасида уруш «бозори» қи-

Савоб

«МЕҲРИБОНЛИК» МЕҲР КҮРСАТДИ

Кониҳек туманида 4162 нафар пенсионер, 62 нафар ўзгалар парваршига муҳтож кишилар истиқомат қилишди. Туман эса худуди жиҳатдан виллоятнинг энг йирик минтақаларидан бири саналади. Аҳолиси, асосан, чорвачилик билан шуғулланади. Кўпчилик пенсионерлар чўпон отарларида, олис овулларда яшайди. Шундай бўлишига қарамай, улар байрамларда йўқлиб турилибди. Бу ишларни амалга оширишда туман ижтимоий таъминот бўлимига, унинг «Меҳрибонлик» кичик корхонаси ҳамда ёрдамчи хўжалиги қўл келмоқда. Улар қўмағида вафот этган пенсионерларнинг маъракалари учун қўй ва пул ёрдами кўрсатилапти. Яқинда ўзгалар парваршига муҳтож оилаларга 1000 сўмдан ёрдам кўрсатилди. Яна бир нафақахўр Н. Сайфуллинга уйини шифер қилиш учун 500 сўм пул ажратилди.

Темури ЭШБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЯХШИЛИККА БАҲШИДА УМР

— Уғилларим, қишлоғимиздаги ўзгалар ёрдамига муҳтож ногиронлару кўп болани оилаларнинг ҳисоб-китобини қилсанлар. Сақсон ёшни қоралган Мирзакарим бобонинг галги тошларини ҳам Шерали ва Султонмуродларни ажаблантирмади. Негаки улар оталарининг хайр-саховатга, савобига хайриқоҳлигини яхши билишди.

Мирзакарим бобо ўғиллари келтирган рўйхатга асосан туғунчалар тайёрлатилди. Унга гушг, гуруч солиб, ўғиллари ва набираларининг қўлига тутқалди. Урғут туманининг Каттақонгорон қишлоғида яшовчи Мирзакаримбобо Аминов ана шундай саховатпеша инсонлардан.

Отахон қишлоқдаги ҳар бир юмушта бош-қош, муҳтожларга маълум. Мустақил юртимизда ана шундай бағрикенг, саховатпеша кишилар борлигидан мамнунмиз.

Сўхрат АШУРЗОДА, Самарқанд виллояти.

ИСТИҚЛОЛГА БАҒИШЛАБ

Тошкент давлат Аграр университетининг марказий кутубхонасида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон келажиги буюк давлат» мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувни университет ректорининг муовини А. Аҳмадзонова очди. «Ўзбекистон мустақиллиги ва унинг тарихий аҳамияти», «Мафқуранинг шакллантириш даври талаби» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Н. УСАНОВ.



Бухоро-1 темир йўлига қарашли вагонларни қайта таъмирлаш корхонаси жамоаси шу йилнинг ўтган ярмида темирйўчлар учун ўндан ортқ юк ташув ва йўловчилар учун мўлажалланган вагонларни қайта таъмирдан чиқаришди. Бу ишда таъмирловчилар бригадирини Ю. Волколунов, Д. Топиров ҳаракатдаги поезд бошлиғи Ж. Бободурларнинг ҳиссаси баланд.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Шундайлар бор бўлсин УТТИЗ ЙИЛКИ...

Мен «Тошкент оқшоми» газетаси ташкил қилинган йилда университет талабаси эдим. Унинг саҳифасида мақолаларим тез-тез босилб турарди. Ширинсўз Зухра опа ни эса ҳар сафар шу дароҳда — хатлар бўлимида учратардим.

...Хатлар ва шикоятлар бўлими доимо одамлар билан гап-мулоқот бўлар, бировнинг томондан чакка ўтаётганидан, биров эса қариллик нафақасини ўз вақтида ололмаётганидан ёзғирса, яна биров навабати бўлса-да йилда телефон ўтказма олмаётганидан ёрдам беришларини сўраб мурожаат қиларди. Келаятган хатларнинг эса чеки йўқ. Аксариятига Зухра опа чора излаши керак. Инсон тўғрисида қайгуриш унинг кундалик ташвишига айланганди. Опа «Бир хат изидан», «Савол беринг, жаоб берамиз», «Газетхонлар мактуби» рўқналарни ос-тида ёзган мақолаларида хатлардан кенг фойдаланарди.



Зўққум тилайман, — деб ёзди Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Х. Асалов.

Бундай дил сўзлари битилган мактублар Зухра опа номига қўлаб келиб туради.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Зухра Аъзамхўжаева «Тошкент оқшоми»да 30 йилдан бери ишлаб келади. Биз опахонга саломатлик, янги ижодий ютуқлар тилаб қоламиз.

Арофат НОСИРОВА.

Миллий инвестиция фонди

ЮЗ СЎМ ОБДИЙ АКЦИЯ

«Миллий инвестиция фонди» очик турдаги хиссадорлик жамияти

Низом жамғармаси 14 000 000 сўм. Номинал қиймати 100 сўм бўлган 40 000 донга эгасиз озилган оддий акция чиқарилган. Номинал қиймати 100 сўм бўлган 100 000 донга оддий акция чиқарилган. Акцияларнинг чиқариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида 7.06.1995 й. да №14-1-313 билан қайд қилинган. © «ШАРҚ» НМК

Мухр: 11. Юли 1995 й.

Имзо: Раҳбар Бош хисобчи

Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 6-й (эмблентинг манзилгоҳи)

Миллий инвестиция фонди сиз учун: Бизнинг акцияларимизни олишга интилинг.

- қўшимча даромад олиш; - мулкдор бўлиш ва уни бошқариш ҳуқуқига эришиш демекдир.

Интилганга омад ёр бўлсин! Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони, 6. Мурожаат учун телефонлар: 39-44-63, 39-16-56, 39-17-63.

Агар 30 ёшдан ошган бўлсангиз, Унда сизга 30+ қувватдориси даркор!!!

«Тридцать Плюс» кичик капсуласи ёрдамида сиз оғир иш куниндан кейин ҳам осмонлар бинининг сўнгги қаватига югуриб чиқишга қодир бўласиз. «Тридцать Плюс» нафақат чарчоқни тарқатади, балки Сиз сарфлаган қувватни тиклайди - у танангизнинг ҳар бир тўқимасига куч ва эччиллигини қайтариб, Сизни яшартиради. Ҳарид қилиш масаласи бўйича қўйидаги маълумот мурожаат қилинг: «АДЖАТЛА ФАРМА ЛИМИТЕД» фирмаси Тошкент, 700060, Митрополит кўчаси, 19-а. Телефон: (3712) 32-81-88, 33-48-70. Телефакс: (3712) 33-84-71. Ёки Тошкентдаги сотувчи ҳамкорлари: «Нис-Сано» фирмаси: (3712) 44-24-34, 40-44-83. «Фарма» фирмаси: (3712) 47-94-90.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар! «Ўзмахсустур» фирмаси сизни Германияга 7-14 кунлик саяҳатга таклиф қилади. Сиз бу саяҳатингиз давомида автомобиль, турли хил маҳсулотлар харид қилишингиз, дўстларингиз ва яқинларингизниқига ташриф буюришингиз мумкин. Биз қўйидагиларни қафолатлаймиз: - хужжатларни 7-10 кун ичида сафар учун расмийлаштиришни; - элчиона визаларини; - Европа мамлакатлари учун тиббий суғуртани; - жаҳоннинг истаган мамлакатига авиачипталарини.

Бизнинг манзили: Тошкент шаҳри, Катормол кўчаси-38, УЎГИИТИ институти, 4-қават, 405-хона. (муажада олиш белгиси: «Ташсовет 50 йилга!» кинотеатри).

Бизнинг телефонлар: 78-45-16, 78-21-05. Навбатчи телефон: 76-03-70 (соат 19.00 дан кейин).

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси «АИЧ ва ТТ» кафедрасининг собик доцентини

Йўлдош ТУРДИЕВИНГ

бевақт вафот этганини билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия ифкор қилади.

«Меҳрон» болалар маданият ва истироҳат боғи жамоаси, боғ раҳбари Собит Маматовга отаси

МАМАТ отанинг

вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



Туркистон — умумий уйғимиз

ДУСТИК ШАХРИ ТОШКЕНТ — ТУРОНЗАМИН СПОРТЧИЛАРИНИ ЖАМПАЙДИ

Халқаро Олимпиада қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч юртида бўлган чоғида пойтахтимиздаги стадионлар билан танишиб, республикамизда Марказий Осиё ўйинларини ўтказиш мумкинлигига амин бўлган эди...

таъминламоқчи. Хатто ХОҚ президенти Х. Самаранч ҳам 1 Марказий Осиё ўйинлари учун 100 минг доллар миқдорда маблағ берди...

тикачилар бахсларни бошлашса, 7 сентябрь кунини сузиш, баскетбол, волейбол, теннис, волейбола мусобақалари поёнига етди.

Айни кунда юртимиз тарихидаги ана шу биринчи мусобақага тайёргарлик ишлари қизғин давом этаётган. Шунингдек, ушбу таъкидлаш жоизки, биринчи Марказий Осиё ўйинлари, унда катнашувчи мамлакат олимплари миллий қўмиталари президентларининг таъбири билан айтганда «Спорт, достлик байрам», Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллик тантиналарига уланиб кетади...

Хам 1 Марказий Осиё ўйинларида умумқўрсаткичлар бўйича голлибларни эниқлаш кўзда тутилмади. Беш мамлакат спортчилари спортнинг факат 12 тури бўйича голлиблик учун баҳсга киришишди...

1 Марказий Осиё ўйинларининг очилиш тантиналарида ХОҚ президенти Хуан Антонио Самаранчининг катнашиши кутиняпти. Албатта, бу мусобақа нуфузининг ошишига хизмат қилади.

Биринчи Марказий Осиё ўйинларини таъсис этиш ва бу борада битимни имзолаш учун Туронзамин миллий олимпиада қўмиталарининг раҳбарлари пойтахтимизда йилнинг чоғида улар матбуот ходимларига интервью берар экан, бу мусобақа азалдан бир бўлган халқларимизнинг достлик байрамига айланиши кераклигини эътироф этишди...

Спортсевларнинг, албатта, ҳар бир спорт тури бўйича мусобақаларнинг қайси кунлари ўтказилиши қизиқтиради, улар шунга қараб ўзларининг қулик режаларини белгилайди.

Спортсевларнинг, албатта, ҳар бир спорт тури бўйича мусобақаларнинг қайси кунлари ўтказилиши қизиқтиради, улар шунга қараб ўзларининг қулик режаларини белгилайди.

СТОЙЧКОВ ТЕРМА ЖАМОАМИЗГА БАҲО БЕРАДИ

Юртимиз футболсеварлари ўтган йили жаҳон чемпионатини катта қизиқиш билан кузатишган ва Бразилия, Италия, Швеция терма жамоалари қаторида болгарияликларнинг ҳам маҳоратига тани беришган эди.

Ха, терма жамоамиз янги мурабий Александр Иванов бошчилигида 15 июль кунини Малайзияга, халқаро турнирда қатнашиш учун йўнаб кетди.

Футбол



эътироф этиш кераки, футбол ҳақидаги бундай рангли-бевақил журнал республикамизда биринчи марта чоп этилди.

УҚИШГА МАРҲАМАТ!

Республикамиз умумтаълим мактабларининг 8 ва 9-синфларини «намунали» ҳулқ билан «4» ва «5» баҳоларга тугатган иқтидорли ўқувчилар диққатига!

Гулистон Давлат Университети қошидаги лицейнинг 9 ва 10-синфларига танлов асосида қўйидаги йўналишлар бўйича қабул эълон қилинади:

- Иқтисод бўлими
— Табиий фанлар бўлими (физика, математика, химия, биология ва муҳандис)
— Иجتимоий фанлар бўлими (тарих, жуғрофия, ҳуқуқшунослик)
— Ўзбек тили ва адабиёти бўлими
— Ҳорижий тиллар бўлими (инглиз ва рус тиллари)
Ўқиш муддати 8-синф битирувчилари учун 3 йил, 9-синф битирувчилари учун эса 2 йил.

ТАНЛОВ ШАРТИ

Танлов мутахассисликка оид касба муносабатини, қизиқишини аниқловчи суҳбат асосида амалга оширилади. Лицейда ҳужжатларни қабул қилиш 1995 йил 15 августгача. Суҳбат 16 августдан 25 августгача, маҳсус график асосида амалга оширилади.

- Лицейга қабул қилинган ўқувчилар бепул овқат, ётоқхона билан таъминланадилар.
Лицейга кирувчилар қўйидаги ҳужжатларни топширадилар:
1. Директор номига ариза.
2. Шаҳар, туман халқ таълимининг ёки мактаб педагогик кенгашининг йўлланмаси.
3. 9-синф битирувчилари учун маълумоти ҳақида гувоҳнома, 8-синф битирувчилари учун 6, 7, 8-синфлар табеллари.
4. Тугилганлиги ҳақида гувоҳнома.
5. Тиббий маълумотнома.
6. 4 дон 3x4 ва 4 дон 6x9 ўлчамли фотосурат.
7. Турар жойидан маълумотнома.

Манзилгоҳимиз: Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри, Саркисов кўч. 2-уй.
Телефонлар: 3-22-15 ёки 3-40-61.

«Ўзбекистон» нашриёти 50 ёшда
МАМЛАКАТНИНГ ИЛК МАЪРИФАТ БУЛОҒИ

МАМЛАКАТИМИЗДА энг кекса ҳисобланган «Ўзбекистон» нашриёти ташкил топганига 70 йил тўлди. Шу муносабат билан нашриёт бош муҳаррири муовини Сураб Абдукаримов мухбиримизга қўйидагиларни сўзлаб берди.

тоб ва бошқа босма маҳсулотлар китобхоналарга етказиб берилмоқда.

— НАШРИЁТ ўз фаолиятида халқимизнинг маърифий эҳтиёжини қондириш учун ижтимоий-иқтисодий, оммавий-сиёсий адабиётлар, дарсликлар, тасвирий босма маҳсулотлар чоп этишда катта ишларни амалга оширди.

Нашриётда ижтимоий-иқтисодий ва оммавий-сиёсий адабиётлар, ўқув адабиётлари, тасвирий босма маҳсулотлар, бюуртма ва тижорат адабиётлар, қозоқ тилида ва хорижий тилларда китоблар чоп этиш билан шуғулланувчи таҳрирлар, мусаҳҳилар, китоб беша, техник таҳрир бўлими фаолият кўрсатмоқда.

Авалги даврларда бўлганидек, Ўздавнашр урушдан кейинги йилларда ҳам республикада китоб нашр этиш соҳаликада етакчилик қилишда давом этди. Нашриётда истетодлий журналист, моҳир ташкилотчи Луффулла Муродов, ёзувчи Йўлдош Шамшаров, (1944—1946 йиллар), ношир ва моҳир таржимон Шариф Толибов (1947—1948 йиллар), ажойиб инсон Жалолхон Азизхонов (1948—1949 йиллар), шоир Усмон Мухаммадов (1950—1952 йиллар) директорлик қилишди.

Бозор муносабатларига ўтилаётган ҳозирги шароитда нашриёт мустақил республиканинг иқтисодий, ижтимоий соҳаларда олиб бораётган сиёсатини тарғиб қилувчи, миллий истиқлол мафкураси моҳитини баён этувчи адабиётларни нафақат ўзбек тилида, балки рус, инглиз, немис, француз тилларида ҳам чоп этмоқда.

Ўздавнашр республикада илк миллий маданият ўчоқларидан бўлиб, Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти, илмий-иқтисодий, илмий-оммабоп адабиётларини чоп этишини йўлга қўйган. Шарқнинг буюк мутафаккирлари Беруний, Ал-Хоразмий, Фиробий, Ибн-Сино, Улуғбек, Навоий, Бобур сингари зотларнинг бебаҳо меросидан халқимизни баҳраманд этувчи китоблар босилди.

Нашриётда бюуртма адабиётлар таҳририяти, масъулияти чекланган «Ношир» жамияти, «Ўзбек-Ремакс» кушма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар ташкилотлар, муассасалар, корхоналардан бюуртмалар қабул қилади.

Урушга бўлган йилларда нашриётда адабиёт нашр этиш ишлари анча ривож

Бир сўз билан айтганда, бутунги кунда «Ўзбекистон» нашриёти узининг 70 йиллик тўйини муносиб тўёналар билан кутиб олмақда.

«ДИАНА ЛТД» ФИРМАСИ СОТАДИ:
Хомашё ва материаллар: рубероид, битум.
Саноат моллари: маҳсус иш кийимлар, чойшаб газламалар, чит, сатин.
Жиҳозлар: Ёнғоқ чақиш ускунаси
ЛА 0,5-4500 сўм.
Телефон: (3712) 53-43-42.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ
Давлат ҳиссадорлик компанияси
Тошкент темир йўл тиббиёт билим юрти 1995-96 ўқув йилига ўқувчилар қабул қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖҲАБОВЕВ.

БҮЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Халқар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Ахборот 36-29-89;
Тўғри муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Худойёров.
Навбатчи — Б. Остопаков.